



ПРЕЦЕДЕНТ БИРЛИКЛАРНИНГ ТАДҚИҚИ ВА ТАСНИФИ

Шукуров Раҳматилло
филология фанлари номзоди, доцент
Ахмаджонов Нурбек
ф.ф.б.ф.д (PhD)

Аннотация: Ушбу мақолада прецедент бирликларнинг таъриф ва таснифи таҳлиллар асосида ёритиб берилган.

Таянч сўз ва иборалар: прецедент матн, прецедент ном, прецедент вазият, прецедент ибора, коннотатив, антропоним.

Прецедент бирликлар тил тизимини тадқиқ этишнинг етакчи йўналишларидан бири бўлган лингвокультурологиянинг асосий ўрганиш обьектларидан бири ҳисобланади. Мазкур бирликларга бағишиланган тадқиқотларда қайд этилишича, прецедент атамаси тилшуносликда биринчи марта Ю.Н.Карауловнинг “Роль прецедентных текстов в структуре и функционировании языковой личности” номли мақоласида қўлланади¹¹³.

Рус тилшунослигига муайян тил соҳибларига яхши таниш бўлган ва уларнинг лисоний хотирасида сақланадиган, нутқий фаолиятда қайта-қайта мурожаат қилинадиган шахс номлари, барқарор бирикмалар, жумлалар ҳамда матнлар прецедент бирликлар сифатида эътироф этилади¹¹⁴. Яъни ушбу атама орқали “эмоционал ва билиш билан боғлиқ муносабатларда шахс учун аҳамиятли, шахсий характерга эга бўлган, яъни мазкур шахснинг атрофидагилари билан биргаликда, унинг ўтмишдошлари ва замондошларига ҳам яхши таниш бўлган матнлар, мулоқотда қайта-қайта янгидан тикланадиган мурожаатлар” деб тушинилади¹¹⁵. Ю.Караулов дастлаб прецедент номларни асар номлари ва циқтибослар таркибига киритган. Кейинчалик О.В.Лисеченко прецедент номларнинг чегарасини кенгайтириб, унга антропонимларни ҳам қўшади.

Рус тилшунослигидаги прецедент бирликлар тадқиқ этилган ишларда бадиий матнлар, мифлар, халқ қўшиқлари, эртаклар, латифалар, мақол, турғун ўхшатишлар, фразеологизм ҳамда машҳур шахслар номи каби инсоният тарихининг ўрта ва қуи даврларига тегишли матнлар прецедент бирлик

¹¹³ Гунько Ю.А. Особенности функционирования прецедентных высказываний в разговорной речи носителей русского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский гос.ун-т, 2002. – С. 24.

¹¹⁴ Красных В.В. Система прецедентных феноменов в контексте современных исследований / Язык, сознание, коммуникация. Вып. 2. – М.: Филология, 1997. – С. 5-12.

¹¹⁵ Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: изд-во МГУ, 1987. – С. 216.





сифатида қайд этилади¹¹⁶. Кўринадики, тадқиқотчи В.В.Красных ўзига қадар прецедент бирлик тўғрисида билдирилган қарашларни янада кенгайтиради.

Унинг фикрича, прецедент бирликлар ортида ҳар доим у ҳақидаги ўзгача, муайян бир миллий ва маданий менталитетнинг барча вакиллари учун умумий ва шарт бўлган тасаввур ёки прецедент бирликларга нисбатан мурожаатларнинг барчасини аниқ, тушунарли, коннотатив бўёқдорликни таъминлаб берадиган, уни қабул қилинишининг инвариантни мавжудлигини таъкидлайди¹¹⁷. Бошқача қилиб айтганда, прецедент матнлар мулоқот қилувчиларни умумий юқори савиядаги қўшимча билимлар, яъни дунёни англаш ва билиш жараёнида инсонда юзага келадиган билимларга мурожаат қилишга ундейди. Бир маданиятнинг вакилларига хос бўлган умумий билимлар мазкур билимларнинг индивидуал элементларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда муайян бир даражада ўзаро ўхшаш бўлади.

Жамият тараққиёти, ахлоқий қадриятларнинг ўзгариши ҳам прецедент бирликлар таркибининг ҳаракатчанлигига таъсир қиласи. Масалан, прецедент исмлар, иборалар, олимлар билан боғлиқ вазиятлар (Эйнштейн, Ломоносов – прецедент номлар, бадиий асарлар ва тарихий воқеалар (Титаник – бу прецедент номни, шунингдек, прецедент вазият)ни ҳам англатади. Бугунги кунда телевизорнинг оммавийлиги ошиб бормоқда ва йирик телевизион лойиҳалар, фильмлар, китобларнинг сарлавҳалари, сиёсатчилар ва жамоат арбобларининг исмлари прецедентга айланисиб бормоқда. Жумладан, машҳур “Гарри Поттер” китоби, таниқли “Мўъжизалар майдони” телешоуси, прецедентга айланган сиёсатчиларнинг номлари – Ангела Меркел, Барак Обама, Дональд Трамп.

Прецедент номлар прецедент бирликларнинг бир тури сифатида намоён бўлади. Прецедент бирликлар ўзининг моҳияти, табиати ва хусусиятларига кўра Д.Б.Гудков, И.В.Захаренко, В.В.Красных ва Д.В.Багаевалар томонидан *прецедент матнлар, прецедент иборалар, прецедент вазиятлар ва прецедент номлар* тарзида тасниф этилади¹¹⁸.

Прецедент матн – сўзловчи ва тингловчининг онгига илгари шаклланган маълум воқелик ҳақидаги тасаввурларнинг матн кўринишида ифодаланиши; машҳур ва умумлашма даражасига кўтарилилган гапларнинг матн таркибига маҳсус сингдирилиши. Истеъдодли шоир Иқбол Мирзонинг “Ман каманд истарман, тан гулхандадир, Ўзим ҳар жойдаман, қўнгил сандадир” деган шеърининг иккинчи мисраси Муқимийнинг “Ўзим ҳар жойдаман, қўнгил сандадир” шеъридан олинган бўлиб, шеърнинг аввалги мисраларида мазмун ва моҳият билан мос келади. Шарқ лингвопоэтика илмида асар матнига бадиий

¹¹⁶ Красных В.В. Система прецедентных феноменов в контексте современных исследований / Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей. – М.: Филология, 1997. Вып. 2. – С. 5-12.

¹¹⁷ Кристева Ю. Семиотика. – М.: МГУ, 1970. – С.170.

¹¹⁸ Захаренко И.В., Красных В.В., Гудков Д.Б., Багаева Д.В. Прецедентное высказывание и прецедентное имя как символы прецедентных феноменов. Язык, сознание, коммуникация. Вып. 1.– М., 1997. – С. 92.





парчаларни киритишга асосланган бундай бадиий санъат тазмин (“бир нарсан иккинчи бир нарса орасига қўймоқ”) деб юритилган.

Прецедент вазият (ҳолат) бошқа прецедент бирликлардан фарқ қиласди, чунки уларнинг ёрдами билан маъruzachi madаний kodlar tizimida muҳimroq уринни эгаллайдиган янада каттароқ stereotipga murojaat қиласди, muallif томонидан эслатиб ўтилган прецедент вазият butun voqeani maъruzachi хотирасида қайта tiklайди. Прецедент ҳолатга murojaat қилиш matnida uning kognitiv basasining bir қисми bўlgan differenциал belgilari (atributlari) orқали amalga oshiriliши mumkin. Прецедент ҳолат kўpincha tegishli voqeа sodir bўlgan жойни kўrsatib, metonimik tarzda belgilanadi. Masalan, *Чернобил нафақат шаҳар, балки улкан экологик оғатdir.* (гезетадан)

Прецедент иборалар – turli xarakterdagi citata, aforizm, maқol, matal, shiорларни matn tarkibiga kiritishdir¹¹⁹. Чунки sўzlovchinining maҳorati mavjud adabiy-lisоний kliшеларning asar tarkibiga muvaффакиятли singdiрилиши bilan ham boғliқ. Fольклор tiliida asrlar davomida сайқалланиб kelaётgan maқol, matal va masallar mana shunday kliшеларning mumtоз намунаси bўla oladi. Чунончи, Paҳlavonқули Ravnakning kуйидаги misralariда “Минг сиз-биздан bir жиз-биз яхши” degan xalқ maқolidan moҳirona fойдаланганligini қайд etсак bўлади: *Не самар ҳосил бўлур юзда дегандан сизу биз, Яхшироқ минг сизу-биздан қўринур бир жизу-биз.*

Прецедент ном – bu прецедент matn ёки прецедент вазият bilan boғliқ bўlgan индивидуал исм ёки maъlum bir sifatlarga xos ёзuvlar tўplamini kўrsatuvchi ramzij nom¹²⁰. Прецедент nomlar maъlum bir differenциal xususiyatlар tўplamiga эга, улар bir ёки bir нечта elementlарdan iborat bўliishi mumkin¹²¹. Masalan, kishi ismlari: Amur Temur, Alisher Navoiy, Mirzo Ulug‘bek, Nodira, Zulfiya; Mamlakat va shaҳar nomlari: Ўзбекистон, Тошкент, Самарқанд, Бухоро; geografiq nomlar: Pomir, Amudarё, Sirdarё kabilalar. Masalan, *Tilaklarim bажо бўлур ва лекин сен бўлmasang, Bamusoli Искандардай очиқ кетар қўлларим.* (A.Oripov, “Ереван кўчасида”).

Xulosa sifatida aйтиш mumkinki, прецедент бирликлар lingvomadаний birlik bўlib, бадиий matnни serqatlamligini oshiriшда, ifodali қилишда muҳim axamiyat kасб этади

ФОЙДАЛАНАЁТГАН АДАБИЁТЛАР

1. Гунько Ю.А. Особенности функционирования прецедентных высказываний в разговорной речи носителей русского языка: Автореф. дис. ...

¹¹⁹ Красных В.В. Этнопсихолингвистика и лингвокультурология:.. – М., 2002. – С. 47

¹²⁰ Гудков, Д. Б. Теория и практика межкультурной коммуникации [Текст] / Д.Б. Гудков. – М.: ИТДГК «Гнозис», 2003. – С. 108

¹²¹ Красных, В. В. Этнопсихолингвистика и лингвокультурология: Курс лекций [Текст] / В. В. Красных. – М.: ИТДГК «Гнозис», 2002. – С. 198-202



канд. филол. наук. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский гос.ун-т, 2002. – С. 24.

2.Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: изд-во МГУ, 1987. – С. 264.

3.Красных В.В. Система прецедентных феноменов в контексте современных исследований / Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей. – М.: Филология, 1997. Вып. 2. – С. 5-12.

4.Кристева Ю. Семиотика. – М.: МГУ, 1970. – С.170.

5.Захаренко И.В., Красных В.В., Гудков Д.Б., Багаева Д.В. Прецедентное высказывание и прецедентное имя как символы прецедентных феноменов. Язык, сознание, коммуникация. Вып. 1.– М., 1997. – С. 92.

6.Красных В.В. Этнопсихолингвистика и лингвокультурология: – М., 2002. – С. 47

7.Гудков, Д. Б. Теория и практика межкультурной коммуникации [Текст] / Д.Б. Гудков. – М.: ИТДГК «Гнозис», 2003. – С. 108

8.Красных, В. В. Этнопсихолингвистика и лингвокультурология: Курс лекций [Текст] / В. В. Красных. – М.: ИТДГК «Гнозис», 2002. – С. 198-202

9. Ахмаджонов Н. Analysis of poetonyms used in poetry // International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA issue 12, volume 104 published December 30, 2021 P. 509-512 Impact Factor: Philadelphia, USA ISRA (India) = 6.317 ISI (Dubai, UAE) = 1.582 GIF (Australia) = 0.564 JIF = 1.500 SIS (USA)= 0.912 РИНЦ (Russia) = 3.939 ESJI (KZ) = 9.035 SJIF (Morocco) = 7.184 ICV (Poland) = 6.630 PIF (India) = 1.940 IBI (India) = 4.2600 AJI (USA) = 0.350

10. Ахмаджонов Н. Analysis of poetonyms in prose works// International interdisciplinary research journal (giirj) Volume 10, Issue 2, February, 2022 ISSN: 2347-6915 SJIF Impact Factor: 7.472 P. 487-490

11. Ахмаджонов Н., Шукров Р. Precedent names in the artistic text as allusive names //ACADEMICIA, An International Multidisciplinary Research Journal

(Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal) ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 8 August 2021 Impact Factor: SJIF 2021 = 7.492. P. 46-52

12. N.AKHMADJONOV Phraseological units is a mirror of the German national culture - Scientific journal of the Fergana State University, 2018.85-83

13. Н Ахмаджонов, А Рўзиматова. ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР НЕМИС ХАЛҚИ МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИНИНГ КЎЗГУСИДИР. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI.

УДК:40/42/48. IISS: 2181-3302.SJIF:4.621 2022. 08.20. 10-Son. Б.104-109

14. Axmadjonov Nurbek, Xabibullayeva. D CLASSIFICATION AND LINGUOCULTROLOGICAL CHARACTERISTICS OF PRECEDENT UNITS. FARS INTERNATIONAL JOURNAL OF EDUCATION, SOCIAL SCIENCE HUMANITIES. ISSN: 2945-4492. 10(12); 2022; Impact Factor: SJIF 2022 6.786. P. 777-780

